



ТОШКЕНТ ШАЪНИГА

*Гоҳо оддий маскандай туюлади, очиқ гап,
Ҳар куни яшайвериб кўникиб қолган уйинг.
Тошкентим, ажиб кентсан, муҳташам кўрғонсан заб,
Минг-минглаб чақиримдан кўриниб турар бўйинг.*

*Неча-неча элларда дуч келдим турфа зотга,
Тошкан десанг югурар юзларига табассум.
Тошкент сўзи уйқашдир тинчлик билан ҳаётга,
Тошкент деса анланур меҳр билан тараҳҳум.*

*Шундай пайт гоҳ ўйлайман: бунинг боиси недур,
Нечун шоир тилидан тушмайдиган назмсан!
Ахир, бунда ҳар бир ғишт тарихдан мужда эрур,
Беруний таъриф этган кўҳна шаҳри азимсан.*

*Ғафур Ғулом сўзини ҳар лаҳзада ёд этиб,
Тошкентнинг камолидан менинг ҳам кўкда бошим.
Нега унинг доврўғи оламни кетмас тутиб,
Бу ерда ижод этса доврўғли замондошим.*

*Тошкентдир камон ясаб дегрезларга бўлган жой,
Бугун ўзбек юртининг энг катта корхонаси.
Ўн тўрт гўдак ҳайкалин кўргандирсиз ҳойнаҳой,
Ўша турфа миллатнинг Тошкент бўлган онаси.*

*Жаҳон воқеотида сенинг таърифинг шоён,
Неча зотлар меҳрингдан илҳому завқ олмишдир.
Мен ҳам камтар фуқаронг,
мадҳ этурман бу замон,
Менинг ҳам қатра қоним
тупроғингда қолмишдир.
Ҳамиша устувор бўл, барқарор бўл ҳамиша,
Эй, кўҳна Шарқимизнинг
ҳеч сўнмас машғаласи.
Номинг каби мустаҳкам, пойдор бўл ҳамиша,
Дўстлик, бахт, мурувватнинг
мангу боқий қалъаси.*

*Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони*



ДИЛДАГИ ТАПЛАР



– “Тошкент оқшоми” шахсан мен учун сеvimли газета. Журналистикага кириб келишимизда ҳам муҳим роль ўйнаган, кўплаб мақолаларимиз эълон қилинган. Тошкент шаҳри газетаси бўлсада, бутун рес-

публикага, ҳаттоки қўшни давлатларнинг газетхонлари ҳам обуна бўлишарди. Орада фаолиятнинг тўхташи мен учун жуда изтиробли бўлди. Шу фурсатдан фойдаланиб, Тошкент шаҳар ҳокимлигига ушбу газетаси ҳам вақт, ҳам маблағ ажратиб қайта тикланганликлари учун миннатдорчилик билдираман.

Тошкент – мегаполис шаҳар, Марказий Осиёнинг йирик шаҳри. Шунинг учун ҳам Тошкентнинг руҳига, халқига мос ўз газетаси бўлиши керак. Бунинг учун журналистларимиз жуда қаттиқ ишлаши керак. Кечаги Тошкент қандай эди? Бугунги Тошкент қанақа? Эртага қандай бўлади? Мавзулар шунчалар кўпки, гапираман десангиз битта икита газетаси сизга сизга. Шаҳарнинг янги қиёфаси пайдо бўлмоқда. Лекин Тошкентнинг асл қиёфасини ҳам сақлаб қолиш керак. Тошкент шаҳар маъмуриятига эътирофлар билан бирга эътирозларимиз ҳам бор. Шаҳарда дам оладиган жойлар, истироҳат боғлари ниҳоятда кам. Борлари пуллик, қиммат. Транспорт масаласи, кўчалардаги тикчиллар... “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталари Тошкент шаҳрининг кўриқчиси бўлсин. Тошкент халқини ва пойтахтга келиб кетадиган меҳмонларнинг руҳини, истагини, орзусини ёритиб туриши керак.

Мана янги чиқаётган газетани ўқиб чикдим. Шаклидан кўнглим тўлмади. Янгича руҳда бўлиши керак. Кўрган одам кўлдан қўйгиси келмасин! Бир сўз билан айтганда янги замон, Янги Ўзбекистон, янги Тошкентга мос газета бўлишига тилақдошман.

Хуршид ДЎСТМУХАММАД,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият
ходими, “Дўстлик” ордени соҳиби,
журналист



Пойтахтимизда



Шайхонтоҳур туманидаги “Анхор-Локомотив” боғида болаларга Президент совғалари топширилди. Байрам тадбирида туман ҳокими ҳамда сектор раҳбарлари иштирокида туманда истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож ва боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига совғалар тарқатилди.

Янгиҳаёт туманида жойлашган Ал-Фарғоний, “Ёрқин ҳаёт”, “Навқирон”, “Ҳумо”, “Янги Умид”, “Дўстлик”, “Тошкент”, “Чароғон” маҳаллаларида яшовчи эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиниб, байрам муносабати билан озиқ-овқат маҳсулотлари ва байрам совғалари улашилди.

Мирзо Улуғбек тумани “Чимён” маҳалла фуқаролар йиғинида эртаси қаҳрамонлари иштирокида болажонлар учун катта байрам тадбири ўтказилди. Маҳалла фаоллари Янги йил муносабати билан “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”да

турган оилаларнинг фарзандларига совғалар тарқатилди. Шунингдек, уйма-уй юриб, имконияти чекланган болажонларга ҳам байрам совғалари улашилди.

Яшнобод туманидаги “Олмос” маҳалласида 360 ўринга мўлжалланган янги мактабгача таълим ташкилоти қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди. Замонавий қулайликларга эга ушбу мактабгача таълим ташкилотига 12 та гуруҳ мавжуд бўлиб, жорий йилнинг 10 январь санасидан бошлаб болажонларни қабул қилиш кўзда тутилган.

Яккасарой тумани Маданият бўлими томонидан “NEXT” савдо мажмуаси майдонида бўлиб ўтган Янги йил байрами муносабати билан эртаси қаҳрамонлари иштирокида болажонлар учун қизиқарли чиқишлар намойиш этилди. Таниқли хонандаларнинг куйи ва қўшиқлари йиғилганларга янада кўтаринки кайфият бағишлади.

Сергели тумани Марказий хиёбонида ҳам ўрнатилган Янги йил арчаси атрофида концерт дастурлари ташкил этилди. Унда туман ҳокими Элбек Шукуров иштирок этиб, ободонлаштириш ва коммунал хизмат соҳаси вакиллари муносиб тақдирлади.

Олмазор туманида истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож, ота-она қарамоғисиз қолган ҳамда давлат таъминотида бўлган васийликка олинган 79 нафар болага Янги йил муносабати билан Президент совғаси топширилди.

Бектемир туманидаги “FOOD CITY” бозори майдонида тумanning марказий Янги йил арчаси ўрнатилган бўлиб, Янги йил байрами тадбири кўтаринки руҳда ташкил этилди. Унда байрам иштирокчилари учун ажойиб саргузаштлар ва шоу концерт дастурлари намойиш этилди.

Зафар НАЗАРОВ
тайёрлади

КИНЕМАТОГРАФИЯ ФИДОКОРЛАРИ



Сўнги йилларда ўзбек киносида янги давр бошланди. Янги фильмлар, янги лойиҳалар, кинофестиваллар... Буларнинг барчаси фикримизга далил. Янгиланаётган ўзбек кино оламида умрини санъатга бахшида қилган устоз санъаткорларнинг босиб ўтган йўли, ижодий мероси ҳам муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Янги йил арафасида миллий кинематография соҳасини ривожлантириш, бадиий ва гоёвий жиҳатдан етук фильмлар яратиш, шунингдек, миллий фильмларни кенг тарғиб қилиш ишларига муносиб ҳисса қўшган қирқ бир нафар устоз санъаткорга “Кинематография фидокори” кўкрак нишони топширилди.

Дилором Каримова,
Ўзбекистон халқ артисти:
– Янги йил – янги режалар дегани! Ушбу эътироф режаларимизга куч бўлди. Камтарона хизматимизни тақдирлаганларидан миннатдорман. Кино – янги йўлга чиқди. Биз мана шу йўлда борлигимиздан хурсандман. Аслида актёрга, актрисага энг катта мукофот – роллар! Яхши рол-

лар бўлса шуларни биз ижро этиб, халқимиз меҳрига тушиб, олқишлар олсак мана шу биз учун энг катта мукофот!

Ражаб Адашев,
Ўзбекистон халқ артисти:
– Актёрга эътибор керак, агар уни вақти-вақти билан эътироф этиб турилса шунинг ўзи катта бахт! Бугун санъатга ёшлар кириб келаяпти, қилган хизматларимиз билан уларга ўрнак бўла олаётган бўлсак, демак умримиз беҳуда кетмабди.

Рихси Иброҳимова,
Ўзбекистон халқ артисти:
– 85 ёшга кирдим. Ҳозир ўзбек киноси гуллаб-яшнамоқда. Қайтадан туғилганимда эди, энг зўр ролларни ижро этардим. Бугун тақдирланганларнинг барчаси хурсанд. Президентимизга раҳмат. Илоҳим юртимиз тинч бўлсин. Бизнинг ўзбеккона фильмларимиз дунё экранларини забт этсин.

Бойсафар
ХОЛМИРЗАЕВ
тайёрлади



Депутат минбари

МАҚСАДИМИЗ МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ТОПИШ



Дилором Тошмухамедова, Олий Мажлис Сенати Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати:

– 2023 йилнинг “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилинганлиги маъжозий маънода сиёсий-иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар ҳақидаги фикрларни тарозининг бир палласига қўйсак, тарозининг иккинчи палласида таълим соҳасидаги ислохотларни қўйишимиз мумкинлигини кўрсатмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Таълим сифатини ошириш Янги Ўзбекистон тараққий-ётининг яқка-ю ягона тўғри йўлидир”. Шундай экан, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитасида доимий сенатор, шунингдек,

Халқ депутатлари Кенгашининг Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссия аъзоси сифатида, даставвал, маданият ва санъат, таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш юзасидан белгиланган вазифалар ижросини ўрганишни ўзимизга мақсад қилдик. Зеро, фарзандларимизни касб-хунарларга, санъат ва маданиятга қизиқишларини оширишимиз зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида ёшларнинг замонавий касб-хунар эгаллаши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш муҳим йўналишлардан бири эканлиги таъкидланди. Мактаб битирувчиларининг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай касбга эга бўлмасдан кириб келаётгани ҳаммамизни ўйлантириши кераклигига урғу берилди. Бугунги кунда мамлакатимизда 700 дан ортиқ касб-хунар мактаби, коллеж ва техникумлар фаолият юритмоқда, бундан ташқари, ҳар бир маҳаллада ёшларни касб-хунарга ўқитиш масканлари ташкил этилган. Аммо, бугун банд бўлмаган ёшлар сонининг ортиб бо-

раётганлиги бундай марказларнинг самарали фаолият кўрсатмаётганини англатади. Шундай экан, олдимизга қўйилган кейинги вазифамиз, ёшларимизни касб-хунарга йўналтирувчи масканларда ўқув жараёни сифатини ўрганиш, унда таълим бераётган ўқитувчиларнинг малакасини текшириш ва бундай масканларни битириб чиқаётган ёшларнинг бандлигини таъминлаш масаласи қандай даражада эканлигини назорат қилишдан иборат. Албатта, бу йўналишдан кўзланган мақсад камчиликларни аниқлаш эмас, балки шу соҳани ривожлантиришга қаратилган самарали механизмни жорий этишдан иборат.

Бундан ташқари, Мурожаатномада бутун дунёда кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби хатарлар, афсуски, бизни ҳам четлаб ўтмаётгани алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда, аборот коммуникация технологиялари ривожланган даврда маълумот оқимининг кириб келиши, ёшларимиздан жуда катта хушёрликни талаб этади. Улар маълум-

отларни тўғри филтрлай олиш, ўзининг ёшига, дунёқарашини ривожлантиришга мос маълумотларни ажрата олиши жуда муҳим, шу билан биргаликда жуда қийин масала. Бундан келиб чиқадиган яна бир вазифамиз бу ёшларнинг аборот саводхонлиги ва интернет маданиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва бу борада мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ишларни амалга оширишдан иборатдир.

Юқорида санаб ўтилган вазифалар жорий йилда амалга оширилиши керак бўлган дастлабки асосий йўналишларимиз холос. Бу режаларни амалга оширишда ёш маҳаллий кенгаш депутатларини, ёшлар ташкилотларини, шунингдек, бу соҳадаги барча мутасадди ташкилотларни бирлаштириш, вазифаларни ўзаро тўғри тақсимлаш ва амалга ошириш механизмларини белгилаб бериш, уларга бош-қош бўлиш биз, парламент аъзоларининг вазифамиздир.

ошириш ҳам режамизда бор. Шу билан бирга худудимдаги автомобиль ҳалқа йўлида кўплаб тирбандликлар юзага келаётгани ҳақида шикоятлар келиб тушган. Яъни, у ерда пиёдалар учун ўтиш туннели йўқлиги сабабли тез-тез йўл транспорт ҳодисалари келиб чиқмоқда. Шундан келиб чиқиб, ўз тақлифларимни ишлаб чиққанман, жорий йилда ушбу муаммони ҳам ҳал этиш ниятидаман.



Дилшод Шоумаров, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракатининг Тошкент шаҳар худудий бўлинмаси раҳбари:

– 2023 йилда депутат сифатида авваламбор, ўзимнинг сайлов округим, яъни Учтепа туманидаги Абдулла Қодирий 2-округидаги 10 та маҳалла фуқаролар йиғини дастурларида белгиланган вазифаларни амалга оширишни режа қилганман. Маълумки, Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларининг ҳар бирига 2 млрд. сўмдан маблағ ажратилади. Ўтган йили Республика Она ва бола скри-

нинг марказига 1 млрд. сўм атрофида рентген ва УЗИ аппаратлари олиб берилди. Бундан ташқари, 550-мактабгача таълим ташкилотига болалар учун ёзги айвончалар қуриб берилди. Шунингдек, Хуршид маҳалласида ҳам ушбу маблағ ҳисобидан болалар майдончаси барпо этилди. Албатта, жорий йилда ҳам бу каби кўплаб ишларни амалга оширишни режа қилганмиз. Жумладан, “Кўкча Оқтепа” маҳалласи аҳолисининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кузатув камераларини ўрнатиш ниятидаман. Бундан ташқари, “Бешқайрағоч” маҳалласидаги кўчаларга ёнги гидрантларини ўрнатиш, айрим асфальт қилинмаган кўчаларга янги асфальт ётқишиш ҳамда ободонлаштириш ишларини амалга

Наима Жабборова, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, Мирзо Улугбек туманидаги “Катта Қорасув” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

– Жорий йилда энг биринчи навбатда режалаштирган ишларимдан бири бу – округимдаги 7 та маҳалла аҳолиси билан сайёр қабул ўтказиб, уларни қийнаётган муаммоларни ўрганиб чиқишдир. Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бор шахсларга ёрдам кўрсатишни мақсад қилганман.

Бунда Тошкент шаҳар ҳокими томонидан Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларининг ҳар бирига ажратилган 2 млрд. сўм миқдорида маблағ катта аҳамиятга эга. Ўтган йили ушбу маблағдан унумли фойдаланган ҳолда стадион қурдик, кўчаларни асфальт қилдирдик, 2 та мактабгача таълим ташкилотини капитал таъмирдан чиқардик, 8-оилавий поликлиникага мебель жиҳозлари ва янги тиббий асбоб-усқуналар олиб бердик. Жорий йилда эса худудимдаги ижтимоий объектлар, яъни тўртта мактаб ҳамда олти

мактабгача таълим ташкилотларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш, маҳаллалар билан ҳамкорликда ота-оналар билан учрашувлар ўтказиб, ўқитувчи мавқеини ошириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, шунингдек, шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда 8-оилавий поликлиникани капитал таъмирдан чиқаришни режа қилганман. Бундан ташқари, 520-мактабгача таълим ташкилотининг фасад қисмини жорий таъмирини амалга ошириш ҳам режага киритилган.

Бахтиёр Ҳасанов, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи директори:

– 2023 йилда жуда катта режаларим бор. Мана ўтган 2022 йилда ҳам бир қатор ишларни амалга оширишга муваффақ бўлдик. Жумладан, 30-31-оилавий поликлиникаларда электрон тизимни йўлга қўйдим. Бундан ташқари, рентген аппаратлари ҳамда инсон организмни ҳеч қандай дори воситаларисиз соғломлаштириш ва токсин моддалардан тозалаш имконини берадиган физиотерапия аппаратлари


олиб берилди. Худудимдаги 166-умумтаълим мактаби ва “Баркамол авлод” болалар мактабида электрон кутубхона марказлари, электрон синф хоналарни ташкил этдик. Шунингдек, ёшлар ўртасида спортни тарғиб этиш, уларни спортга жалб этиш мақсадида мини-футбол майдонларини яратдик. Бундан ташқари, “Авиасозлар” маҳалласидаги эскирган симёғочлар янги бетон устунларга алмаштирилди. Албатта, жорий йилда ҳам бу каби ишларни давом эттириш ниятидаман. Жумладан, Яшнобод туманидаги 2-сонли шаҳар юқумли касалликлар клиник шифохонасини кўздан кечирга-

нимда ёмон аҳволга келиб қолганлигининг гувоҳи бўлдим. Шу сабаб ҳам, Тошкент шаҳар ҳокими томонидан ажратиладиган 2 млрд. сўм маблағни биринчи навбатда мана шу шифохонага сарфлашни олдимга мақсад қилиб қўйдим. Шунингдек, худудимдаги автомобиль йўлларини бирма-бир ўрганиб чиқиб, айниқса, таълим муассасалари жойлашган худудлардаги йўлларга пиёдалар ўтиш йўлакларини чиздиришни ҳам режамга киритилган.

Шоҳида ЗУФАРОВА тайёрлади



ҲИЛОЛ НАСИМОВ:



“ҲАММАНИНГ ФИКРИ БИЛАН ҲИСОБЛАШСАНГИЗ ФИЛЬМ ОЛОЛМАЙСИЗ!”

Кино – томоша, кино – завқ, кино – ижод, кино – саёҳат, кино – санъат! Кино – дунёнинг ўзига хос сиёсати ҳам! Ҳилол Насимов – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, кинорежиссёр. “Ёдгор”, “Алданган аёл”, “Тубанлик”, “Ажал жодуси”, “Ҳаёт”, “Ватан остонаси”, “Мерос” каби бир қатор фильмларнинг режиссёри. Ҳилол ака билан суҳбатимиз кино ҳақида бўлди.

– Кино – сиз учун тақдирми ёки тасодиф?

– Аслида кино – томоша! У қайси жанрда бўлишидан қатъий назар уни томоша қиламиз. Мен ҳам фильмларни томоша қилиб бу санъатнинг шайдосига айландим. “Ажойиб ҳаёлпараст” фильмининг суратга олиниш жараёнида кинони касб сифатида қабул қилдим. Ўша картинадаги кичкина роль мени катта кинога етаклади. Тақдирнинг бу тақдиримдан миннатдорман! Яна бир гап биз суратга олган фильмлар ҳам томошабиннинг тақдирига таъсир кўрсатади, хулосаларига хизмат қилади.

– Сўнги йилларда суратга олган фильмларингиздаги қахрамонларнинг тақдирини томошабинни хавотирга солади, кўрқитади... Мавзулар бири-бирига яқин...

– Ҳар бир фильмда томошабин образлардан қай биригадир эргашиши шарт! У картинадаги қахрамонларнинг адвокатига айланиши лозим. Сўнги йилларда асосан ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида ишладим. Бу жуда нозик мавзу. Чунки, Ватан ҳақида, ватанпарварлар ҳақида шунчаки тўртта актёр, уч-тўртта баландпарвоз сўзлар билан кино қилиб бўлмайди. Эҳтимол комедияда, фантастикада юз фоиз тўқима образлар, сюжетлар бўлиши мумкин. Лекин Ватан ҳақида албатта реал қахрамонлар, бўлиб ўтган воқеалар билан ижод қилиш шарт! Мен кўрсатаётган қахрамон эҳтимол айтганингиздек томошабинни кўрқитар, хавотирга солар... Лекин улар ҳаётимизда бор одамлар! Адашганлар, пушаймонлар, Ватан қахрамонлари ўйлаб топилмайди! Мен улар билан учрашганман, суҳбатлашганман. Ҳеч нима осмондан олиб ёзилмайди. Баъзида қулоққа ёқмайди гапларни, тухматларни

эшитаман... Хафа бўлардим, сўнги пайтларда эътибор қилмаяпман. “Ватан остонаси” фильмининг тақдиротида менга: “Раҳмат, мана бор эканку, мард ўғлонларимиз”, дейишди. “Ҳаёт” фильмининг ҳар бир қахрамон замондошимиз. “Алданган аёл” қанчадан-қанча адашганлар қисмати акс эттирган. Мен режиссёр сифатида Ватан олдидаги бурчимни адо этаяпман. Фильмларимда халқнинг қахрамонлари бор, бу билан фахрланаман!

– “Мерос”ни кўрдим... Аллақандай психологик, фантастик фильмлардан чарчаган томошабин учун оддий, самимий картина бўлибди... Фильм бир неча катта халқаро миқёсдаги кинофестивалларда эътироф этилди. Ўзингиз режиссёр сифатида мана шундай халқона ижодни соғинганингиз билинди...

– Тўғри айтасиз, соғинган эканман! Миллий қадриятлар, дўстона муносабатлар, икки дилнинг достони... Атрофимдаги ижодий гуруҳ ҳам босим билан жангари руҳда ишлаб толиққан экан шекилли, улар ҳам ўзимдек яйраб ишлади. Энг яхши фильм – халқчил бўлади. Томошабин учун тушунарли фильм бўлади. “Мерос” Сингапурда “Singapore International Film Festival-2022”, Ҳиндистоннинг “Олтин тулпор” (“Golden Horse Film Festival”), Покистоннинг “Gandhra Independent Film Festival” ва яна бир қатор халқаро кинофестивалларида алоҳида эътироф этилганидан хурсандман. Буюртма фильмларда ҳам албатта режиссёрнинг муносабати, позицияси бўлади, меҳнати “Мерос”, “Ёдгор”, “Номус” каби фильмлардан юз карра оғир, лекин ижодкор сифатида ўзимга ҳам оддий одамлар ҳақида, одамгарчилик ҳақида кино қилиш бошқача завқ беради.

– Фильмларингизга нисбатан берилган эътирофлар ёқимли. Лекин эътирозларнинг бўлиши ҳам табиий... Танқидни қандай қабул қиласиз?

– Агар дўстона бўлса ҳар қандай фикрни қабул қиламан. Ҳатто кейинги ижодий жараёнларда айнан ўша айтилган фикрларга таяман ҳам. Лекин муносабатда ғайирликни сезсам... Жавоб бермайман. Аммо нима бўлганда ҳам ҳар бир айтилган муносабатни ўйлаб кўраман, таҳлил қиламан. Чунки бу менинг ижодим ҳақидаги гаплар. Масаланинг яна бир томони бор: агар сиз ҳамманинг фикри билан ҳисоблашсангиз, ҳар бирига муносабат билдирсангиз фильм ололмайсиз!

– Ҳилол ака, ўзингизнинг актёрларингиз бор...


– Ўғлимни айтаяпсизми?..

– Йўқ, мен ўғлингизни эмас Бобур Йўлдошев, Фарҳод Абдуллаевларни назарда тутаятган эдим...

– Сиз айтган актёрлар профессионаллар! Улар билан ишлаш завқли. Фильмдан фильмга бир хил ўтмайдиган актёрлар! Фикри бор ижодкор билан ишлаш бошқача!

– Режиссёрни тортиб кетадиган актёрлар билан ишлаш осон бўлса керак?

– Сиз айтаятган режиссёрлар чироқ кўйиш, объектларни белгилаш, монтаж жараёнлари, рассомнинг вазифаси ва яна ҳақиқий кинога оид тушунчаларнинг фарқи бормайди! Бутун ишни операторга ташлаб, актёрларга таяниб, “ижод” қилади. Актёрга айтирли топшириқ бера олмайди, ўйнаганига қарасан чалиб ўтиради. Режиссёр – майдоннинг эгаси бўлиши керак! Ўзаро суҳбатлар, ижодий баҳс-мунозаралар бу бошқа масала!





“ТҮЙЛАР МУБОРАК”

45 ЙИЛЛИК СОҒИНЧ

Фильмни томоша қилиб беихтиёр унинг кўринмас қахрамонига айланиш! Завкли-а?.. Мен ҳар сафар ўзимизнинг “Суюнчи”, “Махаллада дув-дув гап”, “Ўткан кунлар”, “Ёр-ёр”, фильмларимизни кўрганимда шундай кўринмас қахрамонга айланаман. “Тўйлар муборак”ни олайлик... Куёвнинг алебастрда қотиб қолган оёқлари, кампирнинг пенсияси, келиннинг “қундоши”, дорбоз кизнинг қайсарлиги, чўкиб кетишига бир баҳа қолган куёвжўра... Эҳ-хей, битта кинода шунча эсдалик бор.

“Тўйлар муборак” фильми 1978 йилда режиссёр Эдуард Хачатуров томонидан суратга олинган. Аслида кино “Шахарни сенга совға қиламан” деб номланган. Кейинчалик “Тўйлар муборак”ка айланган. Сценарий муаллифи Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад. Картинанинг давомийлиги 65 дақиқа! Фильмда Ўзбекистон халқ артистлари Ғани Аъзамов, Раззоқ Ҳамроев, Икром Болтаева, Лола Бадалова, Сойиб Хўжаев каби ўз касбининг усталари катта-кичик ролларда намоён бўлган. Бош ролларни Ўзбекистон халқ артистлари – Обид Юнусов ҳамда Гавҳар Зокирова ижро этган.



Хайрулла Саъдиев,
Ўзбекистон халқ артисти:

– “Тўйлар муборак” менинг биринчи кинокартинам. Жамоага катта умид ва ҳаяжон билан кириб борганман. Раззоқ ака, Лола опа, Ғани ака... Уларнинг салобатлари босса керак, деган ҳадик бор эди. Кейин билсак улар жуда самимий, шогирдпарвар одамлар экан. Эсимда суратга олиш ишлари октябрь ойларида бўлган. Бешёғочдаги кўлнинг сувлари олиб ташланган эди. Айнан куёвни қидирадиган эпизод учун катта қўл сув билан тўлдирилган. Ўқувчилар мен қайси сахнани айтаётганимни аллақачон тушуниб олди. Оёғимда платформа деган туфли. 1978 йилда роса урфга кирган эди. Биринчи дублда сценарийда ёзилгандек мен костюм-шим билан қайикдан сувга йиқилиб тушдим. Иккинчи дублда костюм-шимсиз, лекин ўша туфлида “йиқилдим”. Учинчи дублда режиссёр: “Энди сувдан чиққанимда оғзингдан сувни пуркаб кейин гапир”, дедилар. Учинчи дублгача платформа туфлининг бўлари-бўлган, оғир, устига-устак мен совкотганман. Яна қайикдан “йиқилдим”. Ҳам чарчок, ҳам туфлининг оғирлиги мени сувнинг тагига тортиб кетган. Чўкиб кетишимга бир баҳа қолган. Зўрға куч тўплаб, қайикка ёпишганман. Ўша машҳур “шу ерда чўккан одамни кўрмадингизми?” деган эпизод мана шундай суратга олинган эди.



Гавҳар Зокирова,
Ўзбекистон халқ артисти:

– “Тўйлар муборак” фильми бир йил давомида олинган. Эсласангиз, дорихонадаги эпизод бор. Аслида режиссёр ўша эпизодда мени киносиновдан ўтказган. Ёз эди. Кейин ўша сахна фильмда ишлатилган. Картинанинг охири чақалоқ туғилиши киш фаслида суратга олинган. Обид ака финални жуда катта завк билан ижро этган. Эсланг, қорға думалаб, “ўғилли бўлдим”, деб бақирадиган сахнада Обид Юнусов яйраган! Кейин менинг онам куёв қранда келганида сочик билан уради. “Сочик каттик экан, куёвни ҳам урадимиз?”, деган гапларни Обид аканинг ўзлари сценарийдан ташқари қўшган. Премьера қуни ҳам эсимда... Жамшид акам билан бирга ўтирганмиз. Кино тутагандан кейин улар менга: “Тули, шу кино узок яшайди, хали кўрасиз”, деган эди. Қаранг, 45 йил ўтиб ҳам шу киномни кўрапмиз, эслапмиз!

Шуқуржон Сафаева,
актриса:

– У пайтлар театрда ишлардим. Кинога, дубляжга энди-энди кириб келаётган кезларим. “Тўйлар муборак” фильмининг иккинчи режиссёри театрга келиб: “Эртага суратга олиш майдонига тўғри боринг, биз театрга хат қилганмиз, раҳбарларингизни хабари бор”, деди. Мен ҳам унга ишониб, эртасига театрга келмадим, тўғри суратга олиш майдонига бориб, берилган кичик бир эпизод ролни ўйнаб, кечга спектаклга келдим. Келсам труппа раҳбарининг авзойи бузилган, “хат-пат йўқ”, деди. Раҳбариятнинг “берухсат кинога кетиб қолгани учун” деб хайфсан бергани эсимда! Кейин яна хайфсан олишдан кўрқиб, суратга олишга бормаганман. Менинг ўрнимга қўйлақларимни кийиб бошқа актриса ўйнаган.



Хайрулла Лутфуллаев,
Ўзбекистон халқ артисти:

– Фильм суратга олинаётган йиллари ёшлар ичида жуда машҳур эдим. Ўзимча биринчи таклиф қилганларида ўйлаб кўраман, деган маънода жавоб берганим ҳам эсимда. Шунда кинода Муҳсин Алиев деган одам ишларди, улар билан кўшни эдик. Гап орасида мени кинога таклиф қилишганини, лекин боргим йўқлигини айтдим. Муҳсин ака: “Ие, бор, албатта бу фильмда суратга туш, хали хурсанд бўласан”, деди. Яхши ҳам Муҳсин акани айтганини қилган эканман. “Мен севаман, сен севаганими...” айнан “Тўйлар муборак”да жозибасини топди.



Тошкентга саёҳат

ТОШКУЧАДАН АЛИШЕР НАВОИЙГАЧА...

Тошкент – кўп йиллик тарихга эга, жонанжон юртимиз пойтахти, кўнгилга яқин меҳрибон шаҳар. Бугун шаҳар ўзгаришлар, янгиланишлар қуриовида. Ҳар бир кўчада ўзгача манзара, ўзгача муҳит мўжассам. Бу шаҳарнинг алоҳида таърифга лойиқ масканлари, кўчаю хибонлари бисёр. Пойтахтимизнинг ана шундай машҳур жойларидан бири – бу Навоий кўчасидир.

Мазкур кўча шаҳримиз марказида жойлашган бўлиб, ҳамisha одамлар билан гавжум. Бу ерда мақбара ва мадрасалар жойлашганлиги сабабли унга “зиё кўчаси” деб ҳам ном берилган. Эски шаҳарни Янги шаҳар билан боғлаган ушбу кўчада қадимда асосан хунармандлар истиқомат қилишган. Маълумотларга кўра, Тошкентдаги илк трамвай ҳам айнан шу кўчадан ўтган!

Алишер Навоий кўчаси бугун тамомила ўзгача кўриниш касб этди. Йиллар ўтиши билан кўча кенгайтирилиб, замонавий иншоотлар барпо этилди. Йўл четларига манзарали дарактлар экилиб, кўкаламзорлаштирилди. Фақатгина азим чинорлар ва савлатли бетон биноларгина сизга яқин тарихни эслата олади. Айниқса, ёз ойларида қулоч етмас улкан дарактларнинг сояси буйлаб пиёда юриш инсонга ўзгача хузур бағишлайди.

“Панорама” номи билан яхши таниш бўлган ўша машҳур киносарой бугун “Киночилар уйи” деб аталади. Кино мухлисларининг сеvimли маскани бўлган ушбу киносарой қанчадан-қанча ижод намуналарига гувоҳ бўлган.

Кеч тушиб, Тошкент тунги чироқлар оғушида қолганда ҳам Навоий кўчасида ҳаракат тинмайди. Қисқа қилиб айтганда кўчанинг файзи, зиёси ўзгача.

Алишер Навоий кўчасининг узунлиги 4 километр, кенглиги эса 24 метрни ташкил этади. Кўча дастлаб Тошқуча, Каттакўча, Шайхонтоҳур деган номлар билан аталган. 1938 йилдан то ҳозирга қадар ушбу файзли макон Алишер Навоий кўчаси деб номланади.

Туташган кўчалар: Зарқайнар, Фурқат, Фафур Ғулом, Абай, Шайхонтоҳур, Ботир Зокиров, Шароф Рашидов, Мустафо Камол Отатурк, Буюк Турон кўчалари.

Мустақиллик майдони, “Туркистон” саройи, Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи, Ўзбек Миллий академик драма театри, Алишер Навоий номидаги киносарой, Ўзбекистон Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси биноси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Тошкент кимё технология институти, Вебстр университети ва яна бир қатор объектлар айнан Алишер Навоий кўчасида жойлашган.



Эркин Комилов,
Ўзбекистон халқ артисти:

– Бу кўчани Тошкентнинг “киндиғи” деса ҳам бўлади. Бир пайтлар бу ерлар одамлар билан жуда-жуда гавжум бўларди. Талабалик йиллари шу кўчадан еган таомларимни халигача соғинаман.

1968 йилда ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри ҳам шу кўчага кўчириб ўтказилгани осимда. Уйим театрга яқин бўлиши учун мен ҳам шу манзилни танлаганман. Ҳозир уйим театрнинг рўнасида, театрга ким кириб-чиқаятигача яққол кўриниб туради. Жуда кўп ҳамкасбларим менга ҳавас қилишпади. Айниқса, ҳозирги тирбандликлар кўнайган бир вақтда автоматинасиз пиёда ишга чиқаман. Кўчамиздаги қулай тураргоҳлар, тартибли йўл ҳаракатининг йўлга қўйилганлиги мени хурсанд қилади. Ишхонам ёнимда, озгина юрсангиз “Халқлар дўстлиги” санъат саройи, “Ўзбекистон” наприёти, Киносарой, хибонлар, қисқача қилиб айтганда, санъат одами учун энг қулай яшаш жойи. Лекин, бу кўчада озик-овқат дўконлари камлиги сабабли узокроқдан рўзгор қиламиз. Яна банк қурилса, маиший хизматларни кўпайтиришса айни муддао бўлар эди.



Жансшибек Пиёзов,
Ўзбекистон халқ артисти:

– 2012 йили санъатда жуда кўп ютуқларга эришдим. Турли мамлакатларда бир неча совришларни қўлга киритдим. Халқ эътиборини, меҳрини қозондим. Эришган ютуқларим муносабати билан Биринчи Президентимиз Ислам Каримов менга айнан шу кўчада жойлашган кўп қаватли уйлardan хонадон совға қилган. Биз санъаткорлар учун энг муҳим, фаолиятимизга яқин бўлган иншоотларнинг кўли айнан Алишер Навоий кўчаси атрофида жойлашган. Шаҳарнинг энг марказий кўчаларидан десам ҳам бўлади. Шаҳсан мен бу кўчанинг қулайликларидан қониқаман. Фақатгина баъзида автотураргоҳ муаммоси безовта қилади. Хонадон эгалари, оилалар сони ортиши билан болалар майдончасига ҳам бироз эҳтиёж ортаётгандек. Бошқа қулайликлар олдида бу камчиликлар деярли кўзга кўринмайди ҳам. Бу кўчага меҳрим бошқача.



Камолiddин Алимов,
Ўзбекистон дзюдо федерацияси матбуот хизмати раҳбари,
2022 йилнинг энг яхши спорт журналисти:

– Ёшлик хотираларимнинг аксарияти айнан шу Навоий кўчаси билан боғлиқ. Лицейда ўқиб юрган кезларим спектакль томоша қилиш учун пиёда Ўзбек Миллий академик театрига борардим. У ердан чиқиб эса Пахтакор стадионига футбол кўргани борардик. Бугун эса Ўзбекистон дзюдо федерацияси матбуот хизмати раҳбариман. Ўзбекистон дзюдо федерацияси ҳамда Ўзбекистон дзюдо терма жамоасининг базаси шу кўчада жойлашган. Терма жамоанинг турли ёш тоифасидаги аъзолари шу ерда ўқув-йиғин машғулотларини олиб боришади. Айниқса, ёз ойларида кўча сарвкомат чинорларининг қуюқ сояси дзюдочиларимиз жонига оро қиради. Бўзсўв канали ҳам шу кўчадан кесиб ўтгани ҳам бизга анҳор бўйида бир мунча тоза ҳавода шуғулланиш имконини беради. Навоий кўчасининг тўғрилиги, бурилишларга эга эмаслиги ҳам югуриш машғулотларида анча қулай. Қиш кунларида эса бу машғулотлар Пахтакор стадионида ўтказилади. Биласиз у ерга ҳам Навоий кўчасидан кириб борилади. Деярли, 20-25 йилдан бери Дзюдо терма жамоаси Навоий кўчаси билан боғлиқ хотираларга эга.

Миржалол МАҲКАМОВ
тайёрлади



МЕҲР ЧҶҒИ

Тўғри, ўзбек деганининг ўзи қизиқ. Ўзидан сўзи қизиқ. Аломат одатларинику айтманг, ундан мўл.

Мана, дейлик, кимдир сиз билан танишиб, суҳбатлашгиси келди. Албатта, у сизга “қаерлардан сўраймиз, оғайни?”, деганга ўхшаш савол беради. Сиз бу гапдан дарров шох-бутоқ чиқаришга шошилманг. Аслида, қулоққа қинғайроқ эшитиладиган мана шу саволнинг тагида сизга бир эзгу гапларини изҳор этмоққа ошиққан бир кишининг юраги ётган бўлиши мумкин. Демак, шунда билинги, бир кўнгил кўнглингизга йўл излаяпти.

Шу саволдан кейин ўзбек, яна бир саволни албатта беради. Яъни: “Маҳаллангизда кимлар туради?”.

Сиз, беихтиёр, фалончи ака ёки пистончи опанинг исмини айтасиз. Ўша исмлардан суҳбатдошга таниши чиқиб қолса, бўлди, кўнгиллар тил топишди, ҳисоб. Қарабсизки, бир исм сабаб икки ўртага меҳр чўғи тушди.

РАҲМАТ, ШОШ!..

Бундай олсак, бизнинг Афросиёб номли маҳалламиз (Тошкент шаҳри, Миробод тумани)да ҳам исмишарифи билан милёнлаб инсонлар қалбига меҳр чўғини сола олган, илм, амали, шаън-шавкати билан нафақат пойтахт, балки бутун мамлакат аҳли тасаввурини обод қилиб ўтган машҳур инсонлар кўп бўлган экан.

Мен нима учун ўтган замон феълда гапиряпман? Чунки, олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деганиям, бор гап экан! Афсуски, ўшандай зотлар билан аралашиб қуралашиб, “дўмдош”, маҳалладош бўлиб юраверасан. Ҳеч ўйламайсанки, улар юрт фахри, ифтихори. Яна билмайсанки, улар бугун бор... эртага йўқ! Ҳай афсус!

Зуваласини Оллонинг ўзи алоҳида қорган ўша “ифтихор”ларимизнинг қанчаси, мана, билинтириб, билинтирмай, орамиздан ситилиб ҳам кетибди! Ўзбекистон халқ артистлари — Асад Азимов, Яйра Саъдуллаева, Республикада хизмат кўрсатган артистлар — Тўхтаҳон Эргашева, Клара Жалилова...

Улар ҳақиқатан, маҳалламизнинг чин маънодаги “ака”лари, “опа”лари экан. Бугун туйқус англаяпмизки, уларсиз маҳаллагина эмас, кўнгилларимиз ҳам ҳувиллаб

қолибди... Ўша инсонлар чехрасидаги файзни, юриш-туриши, турмуш тарзи ва тутумларидаги ўзига хос, таъбир жоиз бўлса, ўзбекка хосликларини энди бот-бот эслаяпмиз, қумсаяпмиз. Лекин энди, қани улар?! Бари армон!..

Азиз газетхон! Юқорида номи тилга олинган инсонларнинг айримларини балки мамлакатнинг турли вилоятларида таваллуд топганку, дерсиз. Аммо уларни ҳам мана шу Тошкент — азим пойтахт тарбиялади, вояга етказди. Жайдаригина айтсак, одам қилди. Шараф ва мартабаларга ноил этди.

Шу маънода, улар ҳам энди — шошкентлик. Ўзимизнинг маҳалладошларимиз!

Чунки, улар табиийки тутум, юриш-туриш, урф-одатларида Тошкентга, тошкентликка ҳавас ва таассуб қилгани аниқ. Бордию, энди у киши ўзи туғилган юртига бориб қолганида ҳам, феълу хўйдан Тошкентнинг таровати уфуриб турган...

Мана, ушбу жумлалар муаллифининг ўзини олинг. Асли андижонлик. Лекин, ростини айтса, энди у Тошкентдан бошқа бирон кентда муқим қолишига кўзи етмайди. Шу маънода, пойтахтга эҳтиромини жо этган ушбу сатрларини ҳам эслаб ўтмаса кўнгли ўрнига тушмайди.

Кетдим...

*Андижонни жонимга жойлаб,
Ўпкамни тўлдириб ҳаволаридан.
Хотиралар қолди қишлоқни пойлаб,
Ва рашиким... бир қизнинг иболарида.*

*Бағримда улғайган армонлар мени
Опкетди... Болалик тугади — битди.
Ичимдаги думбул қишлоқни “мен”им
Ортимдан югурди... Чопди... Қопкетди.*

*Кибрларим ўлди мусофирликда,
Мусофирлик мени киборлар қилди.
Борликка бор эдим, ушбу борликда,
Борлигимни бордай борлар қилдинг.*

Раҳмат Шош!

Раҳмат Шош!

Қаттиққўл, меҳрибон гўша!

*Тонмайман, бағримда камолга етдим.
Ҳаммасини топдим, бахтимдан бошқа,
Уни... бир қишлоқни... олдидан-кетди!..*

КЕЛИНГ, КЎПЛАШАЙЛИК!

Азизлар, каминанинг шу ўринда Сиздан ўтинадиган муддаолари ҳам йўқ эмас. Халқимиз бувак туғилган хонадонга, дарддан янги халос бўлиб, очиқ ҳавога интилиб қолган шифоталабга доим меҳр ва саховат кўзи билан боққан. Йўқ, мен гап нишабини пул ёки моддиятга бураётганим йўқ. Нашрининг янги жамоаси гапларига қараганда, “Оқшомимиз” хонадонларимизга бир ёруғ — оқшомлари билан кириб боришни ният қилган. Бу миссияни фақат тахририят жамоасига юклаб, мард бўлиб майдонга чиқибсан, эглада энди, деб қараб турсак виждондан бўлмас.

Газета, аслида, мана шундай лоқайд, бепарво, касби ва вази-фасига нолайик, журналистикани айланма креслода ўтирволиб, пресс релизни ахборотга айлантириш, ўнлаб “квасар юлдуз санъаткор”лар суратини қалаштириб, остига чучмал матнлар ёпиштириш ёхуд ўз сайловчиси ҳам танимайдиган депутатларнинг мингта нашрда чайналиб сийқаси чиққан нуқию, ЎЗА материалларини кўчириб босишдан иборат деб биладиган ночор қаламқаш ҳамкасбларимиз касрига қолиб шу кўйга тушмаганмиди?!

Шаҳар ҳокимияти бир неча ми-

лён маблағ ажратиб, комада ётган нашрни “қайта жонлантириб кўйибди”. Отасига раҳмат! Энди унинг соғлом, кўркам газетага айланиши сизу бизга, жонкуяр муштарийларига ҳам боғлиқ. Бас шундай экан, энди “Тошкент оқшомини”га обуна бўлиб, йўлларига кўз тутайлик.

Кўлида қалами, бадийий сўзга ҳаваси борлар тахририятга келсин, кўнғироқ қилсин, яқинлашайлик. Ижодий ҳамкорлик қилайлик.

Кўчамиз, маҳалламизда умргузаронлик қилаётган, ҳаёти кўпчиликка ибрат бўлгулик, турфа феълли одамлар, кўни-кўшниллар, фақат шаҳримиз аҳолисигагина хос бўлган ажаб-аломат тутумларимиз, теша тегмаган гап-сўзларимиз ҳақида ёзайлик.

Мен ўзим ҳам, сизларга “Менинг маҳалладошим”, “Шаҳримизнинг аломат одамлари ва одатлари” рукнлари остида, маҳалладошларим, таниқли шоир Карим Баҳриев, Ўзбекистон халқ артистлари — Маъмура Эргашева, Мансур Тошматов, яхши-ёмон кўнларимизда ҳар доим ҳозир нозир, норасмий оқсоқол, ён кўшним, жон кўшним Ботиржон Жалилов ҳақида мақолалар ёзиб бераман.

Бўлар элнинг болалари бир-бирини ботириқ, дерканку!

Абдунаби БОЙКЎЗИЕВ



Ҳикоя

Ҳалим билан бундан 23 йил муқаддам шаҳар касалхонасида танишганмиз. Кейин дўстлашиб кетдик. Шу йиллар мобайнида бирон-бир оилавий тантана ёки маросим бир-биримизнинг иштирокимизсиз ўтмасди.

Бугун ўша дўстимизнинг таваллуд куни. Унинг уйига ҳаммадан барвақт етиб келдик. У-бу ишларига қарашдик. Чунки бу хонадонда Карим бува, Ҳалим ва хотинидан бошқа ҳеч ким йўқ. Ҳалимнинг отонаси шифокор экан, урушдан қайтишмади. Бувиси эса ўн йил олдин оламдан ўтган.

Карим бува неварасининг 40 ёшга кириши муносабати билан бўрдоқи қўйлардан бирини сўйди. Ҳатто, “бу шўрва учун, мана буни сини ошга соласан, мана бу эса кабобга” деб, тилимлаб ҳам берди.

– Кабобни ким пиширади? – сўради Карим бува.

– Ким бўларди, бува, қадрдон дўстим ёнимда турибди-ку!

– Унда, болаларим ҳозироқ тузнамагини тўғрилаб қўйинглар. Жигар кабоб ҳам тайёрлайсизларми?

Ҳалим менга қаради.

– Жигарни сели билан пиширсаларинг, жуда фойдали, – давом этди Карим бува.

– Унда, иштаҳалари очилиб кетиб, бир қўйдан ҳеч нима қолмас эканда, – деди Ҳалим кулиб.

– Битта қўй шунча одамга нима бўлади, ўйла-да ўзинг!

– Нимани ўйлай, ҳамма йиғилса, ўн киши бўлар. Битта қўй ўн одамга етмаса, бу қанақаси бўлди? – энди чинакамига ажабланди Ҳалим.

– Нега бакраясан, етмай қолиши ҳам мумкин, уни қандай қилиб пиширишга боғлиқ, – дедим мен.

– Исроф қилмай, у-бу пишириқлар билан меҳмонларнинг қорнини аввал тўйғазиб, кейин кабобни пиширсанг, қўйнинг ярми ҳам кетмайди, – деди Ҳалим астойдил тушунтириб.

– Жа хасис экансан-ку! Карим бува, ўзингиз айтинг, қўйни едириб юборайми, ё...

– Едириб юбор, болам, буни гапига кирма, – деди Карим бува.

– Эй бобо, билмайсиз, индамангиз бир қўйни паққос тушириб,

яна олиб кел, дейди булар.

– Деса яна яхши, у қўйни ҳам сўямиз, болам, кўнглингни кенг қил!

– Ҳа, майли, есин ҳам дейлик, лекин бунингиз уйимга ҳам бир нима бер, дейдиганга ўхшайди.

– Бўлмасам-чи, нориндан, қазикартадан. Эрта-индин, тўғриси бир ҳафтагача уйда қозон осмаймиз. Акс ҳолда қўни-қўшнилари устимиздан кулмайдими?

– Нега кулади?

– Нега бўларди. Кимсан, шундай улуг хонадондан қўп-қўруқ қайтишибди, дейишмайди?

Сўхбатимизни тинглаб ўтирган Карим бува гап қотди:

– Сенларга ҳавасим келади. Оталаринг тирик бўлганида, қанчалар қувонишарди. Дўстликларинг доимий бўлсин, болаларим. Унга сира-сира раҳна туширманглар.

Ўша кеча меҳмонлар тарқалишганидан кейин ҳам анчагача сўхбатлашиб, ҳазиллашиб ўтирдик.

Карим бува билан қайта ҳамсўхбат бўлиш менга насиб этмади. Ўша кундан сўнг қўп ўтмай салкам тўқсон ёшда қазо қилди. Карим бунинг “оқ кийди” сизгача, ҳар ҳафта десам ёлғон бўлмас, дўстимизни келиб, дардига шерик бўлдим.

Ҳалимни шаҳардаги катта бир бошқармага бошлиқ этиб тайинлашди. Бу хабарни эшитгач, кўпроқ



– деди ўтирган айланма креслосидан кўзгалмай, мен билан сўрашаркан.

– Ҳечқиси йўқ, – дедим кулиб.

У менга жой кўрсатди. Ўтирдим.

– Келинг, хизмат? – деди менга бегоналардек тикиларкан.

Қўлоқларимга ишонмай ёнверимга қарадим. Хонада иккаламиздан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

– Менга гапираяпсанми? – сўрадим ҳайрон бўлиб.

– Ҳа, энди, тартиб шунақа, – деди

вақтлардагидек муносабатда бўлишга уринарди-ю, муносабатда ясамалик шундоқ сезилиб турарди. Бир соатча ўтирмай кетишга жавоб сўрадик.

– Ошни бошлайман ҳозир, пича ўтиринглар, – деди хотини.

– Ўтирмадинглар ҳам борасизлар-да, – қўшиб қўйди Ҳалим.

Раҳмат дўстим демоқчи бўлдим-у, “дўстим” сўзини айта олмадим. Томоғимга бир нима тикилди.

Дарвозадан ўн қадам кетмасимиздан у қарсиллаб ёпилди. Беихтиёр ўгирилиб қарадим. Доим эшик олдигача бизни кузатиб, ягона тишларини кўрсатиб, кулиб турадиган, муюлишдан ўтиб кетганимизча қўлларини силкитиб хайрлашадиган Карим бува кўрингандай бўлди.

– Нимага тўхтаб қолдингиз, юрсангиз-чи? – деди хотиним зарда билан. Биз тезда юриб кетдик.

Йиллар тез ўтаркан. Шунга ҳам беш йил бўлибди. Дўстим биздан бирор марта хабар олмади. Ҳатто қувончли кунларда уйга келиб эмас, телефонда бир оғиз табриклашни ҳам лозим кўрмади. Барибир уни унутмадик.

Ҳаёт қизиқ экан. Бугун бундоқ, эртага ундоқ. Кутилмаганда бўшаган ҳоким лавозимига менинг ҳам номзодимни кўрсатишди. Мен учун тарафдор бўлганлар кўпчилик экан, кутилмаганда ҳоким бўлиб қолдим. Худди эртақлардагидек! Эпполмасам-а? Шундай пайтларда чинакам дўстни жуда кумсар экан, одам. Кўпгина биродарларим ҳатто, уйга келиб ҳам табриклашди, яхши тилаклар тилашди. Лекин дўстнинг ўрни бошқача бўларкан. Хаёлан Ҳалимни эсладим. Уни жуда кўргим, бағримга босгим келди. Қанийди, ҳозир Карим бува ҳам ёнимда бўлсалар! Қанчалар қувонардилар. Лекин...

Алламаҳалгача хаёл суриб ётиб, ухлаб қолибман.

Хотиним:

– Туринг, Ҳалим акам келдилар, сизни эшик олдида кутяптилар, – дейиши билан сагчиб тушдим.

– Нима, Ҳалим?! Нега эшик олдида туради?!

– Кириг десам унамаяптилар.

Ҳақиқатдан ҳам қўлида гулдаста, кираверишда дўстим турарди!

– Мен... Мен...

У гапиролмай илжарди. Балки сенсирашга иймангандир.

Тўлқин МУҲИДДИН



ОҒАЙНИЛАР

мен қувондим, шу куниёқ уни бориб табриқладим. Ахир, якка-ю ягона қадрдоним!..

Шу орада дўстим билан анча вақт кўришолмадик. Ҳамма ўзи билан ўзи овра бўлиб кетди. Меҳрим кумсаб бир куни ишхонасига астойдил қидириб бордим. Банд экан, ярим соатча қабулхонасида ўтирдим.

Ҳай, ҳай унинг олдида кимлар илтимос қилиб кирмади! Бировлар курсанд, бошқалар хафа бўлиб чиқарди. Ниҳоят, навбат менга келди шекилли, қабулхона бекаси, “киринг” деб имо қилди.

– Куттириб қўйдим, узр. Ишимиз шунақа, дўстим. Хафа булмайсиз,

ўша мулоимлик билан. – Кечирасиз вақтим зикроқ. Хафа бўлманг. Илтимосингизни айтаверинг.

– А...

Менда ҳеч қанақа илтимос йўқ эди. Вақти шунчалар зиқ одамдига бирор илтимосиз келиш ростдан ҳам яхши эмас. Шундайми ёки мени сизлаб гапирётганиданми ўзимни бутунлай йўқотиб қўйдим. Ҳайриятки, шу тобда эшик очилиб ўринбосари бўлса керак, савлат тўкиб кириб келди. Унинг ҳам ўнг қўлида катта узук (асосан, савдо ходимлари тақадиган тилла узук). Ҳалим гўё мени бу хонада йўқдек, у билан сўзлаша кетди. Секин ўрнимдан туриб, қабулхонага чиқдим. Ўша ерда бир оз довидираб тургач: “Дўстим, узр, шошиб турувдим!” деган дастхат қолдириб, чиқиб кетдим. Чиндан ҳам иши кўплигига ишондим. Хуллас, ҳар хил хаёл билан ўзимни юпатдим. Бир ойча ўтгач, хотиним иккаламиз уйига бордик.

– Ия, ия, келинглар, ҳам... кутмовдик, – деди Ҳалим мийиғида кулиб, бизни хонага таклиф қиларкан.

– Сенлар бормасанглар нима қилайлик, ўзимиз келамиз-да, – дедим бир оз гинахонлик қилиб.

– Ишимиз жуда нозик борди-келдига. Ҳм... вақт умуман йўқ, буни ўзингиз биласиз! Ҳа, айтгандек, анави куни нима иш билан келганингизни ҳам билолмадим, шошиб турувдим, деб кетиб қолибсиз.

“Нима қилишим керак эди бўлмасам”, деб юборай дедим-у, ўзимни босдим.

– Ростдан ҳам зарур ишим бор эди, – деб қўя қолдим. У ҳам қанақа иш деб сўрамади. Хотини аввалги

